

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИДАГИ ВАҚТГА ОИД НОРМАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Муродов Бахтиёржон Баходирович

юримдик фанлар доктори, профессор

Боймуродов Бехзод Қомиддин ўғли

Тошкент давлат транспорт университети

4-курс талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Жиноят процессуал кодексида “вақт” тушунчасига оид нормаларнинг мазмуни, ҳуқуқий моҳияти, уларнинг қўлланиш тамойиллари ҳамда жиноят процессида вақт омилининг исботлаш, текширув муддатлари, шикоят қилиш муддати, ҳимоя ҳуқуқи, тергов жараёнидаги муддатларга риоя этиш каби институтлар билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади. Тадқиқотда айниқса тергов муддатларининг белгиланиши, уларнинг узайтирилиши, процессуал муддатларни ҳисоблаш тартиби ва уларни бузиш оқибатлари ҳуқуқий-назарий ҳамда амалий нуқтаи назардан ёритилади. Мақолада тегишли норматив-ҳуқуқий манбалар, суд амалиёти ҳамда назарий қарашлар асосида жиноят процессида вақт компонентининг аҳамияти ва самарали процессуал бошқарувга таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: Жиноят процессуал кодекси; процессуал муддатлар; тергов муддати; шикоят муддати; вақтга оид нормалар; суд амалиёти; жиноят ишлари юритиш; процессуал тартиб.

Аннотация: В статье анализируются содержание норм, связанных с понятием «срок» в Уголовно-процессуальном кодексе, правовая сущность их применения, а также взаимосвязь фактора времени в уголовном судопроизводстве с такими институтами, как сроки доказывания, расследования, срок подачи жалобы, право на защиту и соблюдение сроков в процессе расследования. В статье рассматриваются

вопросы установления сроков расследования, их продления, порядка исчисления процессуальных сроков и последствий их нарушения с правовой, теоретической и практической точек зрения. В статье, опираясь на соответствующие нормативные правовые источники, судебную практику и теоретические воззрения, рассматривается значение фактора времени в уголовном судопроизводстве и его влияние на эффективность процессуального управления.

Ключевые слова: Уголовно-процессуальный кодекс; процессуальные сроки; сроки расследования; сроки подачи жалоб; нормы, связанные со сроками; судебная практика; уголовное судопроизводство; процессуальный порядок.

Abstract: This article analyzes the content of the norms related to the concept of "time" in the Criminal Procedure Code, the legal essence of their application, and the relationship of the time factor in criminal proceedings with such institutions as the periods of proof, investigation, the period for filing a complaint, the right to defense, and compliance with the deadlines in the investigation process. The study specifically covers the establishment of investigation deadlines, their extension, the procedure for calculating procedural deadlines, and the consequences of violating them from a legal, theoretical, and practical perspective. The article, based on relevant regulatory and legal sources, judicial practice, and theoretical views, highlights the importance of the time component in criminal proceedings and its impact on effective procedural management.

Keywords: Criminal Procedure Code; procedural deadlines; investigation deadlines; complaint deadlines; time-related norms; judicial practice; criminal proceedings; procedural order.

Жиноят процессида вақтга оид нормалар ўзининг мустақил ҳуқуқий аҳамиятига ега бўлган институт бўлиб, у жиноят ишини кўриш жараёнидаги барча ҳаракатларнинг қонунийлигини вақт кўрсаткичи орқали назорат қилади. Вақт — бу шунчаки календар ўлчови емас. Жиноят процессида вақт — шахс еркинлигининг чекланиши ва қафолатланишининг мезонидир. Жиноят-процессуал муддатлар — жиноят ишларини кўриб чиқишда белгиланган вақтлар бўлиб, уларда суд

жараёнлари, тергов ҳаракатлари ва қарорлар амалга оширилиши керак. Бу муддатлар қонун ҳужжатлари ёки процесс давомида қабул қилинган қарорлар орқали белгиланади. Зарурат туғилганда улар тўхтатилиши, узайтирилиши ёки қайта тикланиши мумкин. Муддатларга риоя қилинмаслиги қонуний оқибатларга олиб келади ва бу муддатлар жиноят ишларини тез ва самарали олиб бориш ҳамда шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди. 1987 йилда Европа Кенгаши қўмитаси жиноят ишларини имкон қадар тез ва соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш бўйича тавсиялар берган.

Пономарёв А. 2009-йилда “Законность” журналида чоп этилган мақоласида суд босқичидаги энг муҳим масалалардан бири — жиноят процессуал муддатлари ҳақида фикр юритади. Муаллифнинг таъкидлашича, до-суд жараёнидаги муддатлар икки асосий мақсадга хизмат қилади: биринчидан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; иккинчидан esa тергов органларини ишни ўз вақтида тугатишга мажбур этиш. Пономарёвнинг фикрича, амалиётда муддатлар кўп ҳолларда бузилади. Бунинг сабаблари сифатида тергов органларининг иш юкламаси, тажрибанинг етишмаслиги ва ортиқча бюрократик тартиблар келтирилади. Натижада ишларнинг чўзилиб кетиши фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини пасайтиради. Муаллиф тергов муддатларини узайтириш тартибига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг қайд этишича, амалда муддатни узайтириш жуда осон амалга оширилади ва бу ҳолат шахснинг ҳуқуқий кафолатларига салбий таъсир қилади. Шунинг учун у муддатларни узайтириш фақат зарур ҳолатларда ва аниқ асослар билан рухсат этилиши лозим, деб ҳисоблайди

Пономарёв А. до-суд жараёнини такомиллаштириш учун бир қатор таклифлар ҳам беради. Жумладан, прокурор назоратини кучайтириш, тергов органларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, муддатларни бузган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш ва айрим ишларни кўришда соддалаштирилган тартибларни кенг жорий этишни таклиф қилади. Умуман олганда, Пономарёвнинг фикрича, жиноят процессуал муддатлари до-суд

босқичининг энг муҳим кафолатларидан бўлиб, уларнинг тўғри қўлланилиши терговнинг тез, холис ва қонуний ўтишига хизмат қилади¹. Бир қатор тавсияларда айтилишича, судлов жараёнлари узоқ чўзилса, бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўсига салбий таъсир қилади ва одамларнинг судда оқилона муддатларда иштирок этиш ҳуқуқини бузади.

Жиноят процессида ҳар бир процессуал ҳаракатнинг қанча муддат ичида амалга оширилиши ЖПК билан қатъий белгиланган бўлади. Агар муддатлар бўлмаганида, тергов органлари ёки суд қулай келганча ишни чўзиши, шахс "бекор" ушлаб турилиши, суд жараёни йиллаб чўзилиб кетиши мумкин бўларди. Таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистоннинг 1994-йилда қабул қилинган амалдаги ЖПКси илгари қабул қилинган жиноят процессуал қонунлардан фарқли ўлароқ, демократия ва инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган, инсонпарварлик ва адолат ғоялари билан бойитилган. Шу сабабли процессуал муддатларнинг ҳисобланиши, уларни узайтириш, тиклаш ва процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганда ҳисоблаш қоидалари алоҳида 39-боб – “Процессуал муддатлар”да белгиланган. Илгари амалда бўлган ЖПКларда процессуал муддатларга аниқ таъриф берилмаган, шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда унга турлича таърифлар келтирилган. Масалан, айрим олимлар процессуал муддатни – муайян процессуал ҳаракатни бажариш учун қонунига белгиланган вақт деб тушунтиришади. Бироқ бу таъриф тўлиқ эмас, чунки процессуал муддатлар фақат ҳаракатни бажариш учун эмас, балки процессуал босқичларнинг бошланиши ва тугашини ҳам белгилайди. Шу сабабдан “муддат” тушунчаси инсон еркинлигининг процессуал ҳимоя механизми сифатида вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида муддат масаласи алоҳида норма сифатида емас, балки бутун кодекс бўйлаб тизимли равишда тарқоқ ҳолда берилган. Ҳар бир процесс босқичида — жиноят иши қўзғатиш, дастлабки тергов, ҳибсга олиш, айблов ёълон қилиш, экспертиза тайинлаш, суд муҳокамасини тайёрлаш, ҳукм чиқариш ва ҳукмга шикоят қилиш

¹ Пономарев.А До судебное производство: возможности совершенствования //Законность. -М, 2009. №6-С

каби ҳаракатларда — вақт мезони мавжуд. Мазкур вақт чегараларининг мавжудлиги процесс қатнашчилари учун ҳам мажбурият, ҳам ҳимоя механизмидир. Чунки муддат тугаши билан процессуал ҳаракатни амалга ошириш ваколати тугайди. Бу еса қонуний оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, айбланувчига нисбатан дастлабки тергов муддати чекланган. Агар прокурор терговчига бу муддатни ЖПКнинг 317- моддасида белгиланган тартибда узайтириб бермаса, муддат ўтгандан кейин терговнинг давом еттирилиши ноқонуний саналади. Бу ҳолатда тергов натижалари судда ҳақиқий кучга ега бўлмайди. Демак, вақт меъёрлари гипотетик ҳуқуқий категория емас — у ҳуқуқий оқибат туғдирувчи қатъий механизм. Процессуал муддатлар мазмунига оид илмий-назарий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида процессуал муддатларнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлган: жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи муҳим институт; процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминловчи кафолат; жиноят ишларини ўз вақтида юритилишини таъминловчи процессуал механизм.

Вақтга оид нормалар фақат давлат органларига нисбатан қўлланилмайди. Жабрланувчи, ҳимоячи, айбланувчи, гувоҳ ҳам вақт билан боғлиқ процессуал ҳуқуқларга ега. Масалан, процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ЖПКнинг 27- моддасида белгилан тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир. Агар шикоят кўрсатилган муддатда берилмаса, умумий қоида бўйича у қабул қилинмайди. Чунки суд қарорлари чексиз вақтга очик қолмаслиги керак. Адлия барқарорликни талаб қилади.

Аммо муддатлар мутлақ емас. ЖПК бўйича уларни узайтириш, тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш ҳолатлари кўзда тутилган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, вақт категорияси жазо емас — балки процесс жараёнининг баланс механизми. Шунингдек, муддатни ҳисоблаш ҳам ўз ҳуқуқий қоидаларига ега. Бу жуда нозик

масала. Чунки “муддат қачон бошлангани” ва “қачон тугагани” кўп ҳолларда суд амалиётида низоли талқинларга сабаб бўлади. Муддат кўпинча воқеа содир бўлган кундан емас, ҳужжат топширилган кундан ёки процесс иштирокчисига ёллон қилинган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу еса календар емас, процессуал вақт ҳисобидир. Суд амалиёти шуни кўрсатадики, муддатни тўғри ҳисобламаслик энг кўп учрайдиган процессуал хатолардан биридир. Бу хато ҳам ҳимоячи, ҳам прокурор, ҳам суд учун салбий оқибат туғдиради.

Жиноят-процессуал кодексида муддатларнинг узайтириш, тўхтатиш ва қайта тиклаш институтлари алоҳида ётибор талаб қилади. Уларнинг амалий аҳамияти шундаки, процессуал ҳаракатлар ҳамон қонуний ва самарали тарзда амалга оширилиши, шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланиши кафолатланади. Муддатни узайтириш институтига мисол тариқасида тергов жараёнида далилларни тўплашда ёки гувоҳларни чақиришда юзага келадиган қийинчиликларни келтириш мумкин. Жиноят процессида айрим вазиятларда, масалан, экспертиза тайинланган бўлса ва уни ўтказиш техник сабабларга кўра узок вақт талаб қилса, муддатни узайтириш процессуал қонуний восита сифатида ишлатилади. Шу билан бирга, узайтириш фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади ва ҳар доим ёзма ҳужжат билан тасдиқланиши шарт. Муддатни тўхтатиш еса вақтинчалик ҳолатларда қўлланилади. Мисол учун, айбланувчи касалхонада даволаниши лозим бўлса ёки мажбурий ҳаракатларни бажариш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлмаса, муддат тўхтатилади. Бу институт процессуал адолатни таъминлайди, чунки вақт меъёрлари қатъий, бироқ инсон ҳаётий ҳолатларига мослашувчан тарзда қўлланилади. Шу билан бирга, муддатнинг қайта тикланиши ҳам муҳим механизм бўлиб, агар процессуал ҳаракат ўз вақтида бажарилмаган бўлса, уни қонуний равишда қайта тиклаш имконияти мавжуд. Масалан, жабрланувчи ёки ҳимоячи ўз ҳуқуқини муддат ичида амалга оширмаган бўлса, суд ёки бошқа ваколатли органлар томонидан муддат қайта тикланиши мумкин. Бу шахс ҳуқуқларининг кафолатидир ва процессуал адолат тамойилини мустаҳкамлайди.

Муддатни ҳисоблашнинг аниқ ва ишончли усуллари ЖПК нинг 314-моддасида белгиланган. Муддат кўпинча воқеа содир бўлган кундан емас, балки процессуал ҳаракатни амалга оширишга рухсат берилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу еса, ўз навбатида, суд амалиётида низоли вазиятларнинг олдини олади. Шу билан бирга, ЖПКда муддатни ҳисоблаши бўйича қуйидаги асосий тамойиллар мавжуд: муддат бошланиш куни ҳисобланмайди, тугаш куни еса одатда ҳисобга олинади, ва агар тугаш куни дам олиш кунига тўғри келса, муддат кейинги иш кунига узайтирилади. Ушбу қоидалар процессуал муддатларнинг аниқлиги ва башорат қилиниши учун муҳимдир. Шунингдек, муддатларнинг бузилиши оқибатлари ҳам аниқ тартибга солинган. Муддатни бузиш ёки ҳисоблашда хато қилиш натижасида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар ҳақиқий кучга ега бўлмаслиги мумкин. Масалан, тергов муддати тугаганидан кейин олиб борилган тергов ҳаракати қонуний кучга ега бўлмайди ва судда рад етилиши мумкин. Шу сабабли, муддатга риоя қилиш нафақат процессуал қатъийлик, балки фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатлари учун ҳам зарурдир. Муддатларни вақтида тўғри орнатилмаганлиги ёки шу ҳолат билан боғлиқ бошқа камчиликлар иш фаолияти давомида юзага келса ушбу ҳолатда ходимга нисбатан жиноий жавобгарлик(Жиноят кодекси 116-моддаси. Касб юзасидан о'з вазифаларини лозим даражада бажармаслик!) ҳам вужудга келтириб чиқаришигача ҳам бориши мумкин. ЖПК амалиёти шуни кўрсатадики, вақтга оид нормалар мураккаб ва динамик тизимни ташкил қилади. Улар фақат вақт чегараси сифатида емас, балки процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги, шахс ҳуқуқларининг ҳимояси ва жиноят ишини самарали юритиш механизми сифатида ишлайди. Шу билан бирга, муддатларни узайтириш, тўхтатиш ва қайта тиклаш институтлари ушбу механизмларни инсонпарварлик ва адолат принципларига мослаш имконини беради. Судлар ва тергов органлари амалиётида ушбу институтлардан оқилона фойдаланиш процессуал адолатни таъминлаш ва ҳуқуқий барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир.

Жиноят процессида вақтга оид нормаларнинг енг сезиларли кўринишларидан бири суд инстансияларида намоён бўлади. Айниқса, шикоят бериш муддатлари —

процессуал барқарорликнинг асосий элементи ҳисобланади. Чунки агар суд қарорлари чексиз муддат давомида шикоят қилиш учун очик қолса, ҳуқуқий муносабатлар барқарорлашмайди, жиноят ишлари бўйича аниқ ҳуқуқий ҳолат шаклланимайди. Шу сабаб, апелляция ва кассация шикояти учун ЖПК нинг 55¹-бобида (БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲУКМИ, АЖРИМИ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА ШИКОЯТ БЕРИШ (ПРОТЕСТ БИЛДИРИШ) белгиланган². Мазкур муддатлар амалда шуни англатадики — суд қарори қонуний кучга киришида вақт ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Апелляция шикояти бериш учун белгиланган муддатнинг ўз вақтида бошланиши ва бажарилиши шахснинг ҳуқуқини амалга ошириш механизмидир. Бироқ бу муддат ўтиб кетган бўлса ҳам, суд томонидан асосли сабабларга кўра қайта тикланиши мумкин. Мисол учун, агар жабрланувчи касаллик ёки фавқулодда сабаб билан муддат ичида шикоят бера олмаган бўлса, тегишли далиллар билан мурожаат қилган тақдирда муддат тикланиши мумкин. Бу инсон ҳуқуқлари балансини сақлайдиган механизм сифатида қаралади. Вақтнинг бузилиши ҳолатлари бўйича судлар амалиётида кўпинча икки хил вазият учрайди:

1. муддат давлат органи томонидан бузилади → бу ҳолатда процессуал ҳаракатни ҳақиқий емас деб топиш еҳтимоли юқори

2. муддат процесс иштирокчиси томонидан бузилади → бу ҳолатда ҳуқуқ субъекти муддатни тиклашни сўраши мумкин. Бу икки вазият бир-бирига тенг емас. давлат органининг вақтни бузиши — тизим хатоси, шахснинг вақтни бузиши — субъектив сабаб. Шу сабабли ҳуқуқий оқибатлари фарқли. Жиноят процессида муддат – ҳуқуқни чеклаш емас, ҳуқуқни кафолатлаш манбаи. масалан, шахсни ушлаб туриш муддати ўтиб кетган бўлса, уни ушлаб туришнинг ҳар қандай шакли ноқонунийга айланади. Шу тўхтам — демократик ҳуқуқий давлат тамойилларининг амалий кўриниши. Муддатлар тизими — жиноят процессининг ҳаракатланиш

² ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

ритмини белгилайди. муддат бўлмаса, процесс тушунчасининг ўзи йўқолади. Чунки процесс — вақт билан чегараланган ҳаракатлар занжири. Муддатнинг ўзи “жараён”ни ҳуқуқий категория сифатида мазмунлантиради.

Ўзбекистон жиноят процессида вақт элементининг замонавий роли шундан иборатки: жиноят ишини юритиш тезлиги ва самарадорлиги “қанчалик тез” емас, балки “қанчалик ўз вақтида” бажарилганига боғлиқ. “Тез” ва “ўз вақтида” бир хил емас — “тез” одатда шошқалоқликни англатади, “ўз вақтида” еса қонуний тартибнинг мувозанатини билдиради. Жиноят-процессуал кодексда вақтга оид нормалар — жиноят процессининг назарий емас, амалий асосий устунларидан биридир. Муддатлар тизими инсон ҳуқуқларини чекловчи механизм емас, аксинча шахс еркинлиги ва процессуал адолатни ҳимоя қилувчи кафолатдир. Вақт нормалари терговчи, прокурор ва суд ҳокимиятига чексиз ваколат емас, балки тартибланган, қонуний чегаралар беради. Тергов ва суд жараёнида вақт меъёрларига риоя қилиш жиноят ишининг қонунийлиги ва натижавийлигининг мажбурий шартидир. Муддатлар тизими процессни ортиқча чўзилишдан ҳимоя қилади, шахснинг “асоссиз кутиш” ҳолатига тушиб қолмаслигини таъминлайди, адолатли судловнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилади.

Муддатни узайтириш, тўхтатиш ва қайта тиклаш каби институтлар еса ушбу механизмга мослашувчанлик беради, лекин улар тартибсизлик келтириш учун емас, балки адолатни тўғри ва асосли ҳолатда қўллаш учун яратилган. Уларнинг мавжудлиги қонуннинг статик емаслиги, балки реал ҳаётини вазиятларга мослашганлигини кўрсатади. Умуман, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимларининг ўз вазифасига лоқайдлиги, масъулият билан ёндашмаслиги натижасида, биргина терговнинг ўзида жиноят-протсессуал қонунларнинг қўпол равишда бузилиши — фуқароларнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига, уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишга, узок вақт мобайнида сансалорликка йўл қўйилишига, жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитлари фож

қилинмаслиги ва бартараф этилмаслигига сабаб бўлади³. Муддатни ўз вақтида амалга оширилмаслиги ёки нотўғри ҳисобланиши ҳолатида еса суд томонидан процессуал оқибатлар қўлланади — бу ҳам вақт нормаларининг реал кучини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, вақт — жиноят процессининг техник элементи емас. У процессуал адолатнинг ўлчови. Жиноят процессида вақтни тўғри қўллаш суд ишончилигини оширади, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва ҳуқуқий тизим самарадорлигини белгилайди. Демак, Жиноят-процессуал кодексдаги вақтга оид нормаларнинг моҳиятини чуқур тушуниш — нафақат ҳуқуқшунос, балки тизимнинг ўзи учун ҳам стратегик заруратдир.

Фойдаланилган адабийотлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
4. Пономарев.А До судебное производство: возможности совершенствования //Законность. -М, 2009. №6-С.
5. Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЙИ Ахборотномаси. – №8, 2009. – Б. 75.

³ Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЙИ Ахборотномаси. – №8, 2009. – Б. 75.